

SCIENTIFIC PROGRESS

**SCIENTIFIC
JOURNAL**

ISSN: 2181-1601

ACCEPTANCE AREAS OF THE JOURNAL

- mathematics, physics, informatics;
- chemistry, ecology, geography;
- advances in biology and medicine;
- history, law, aesthetics;
- philology and language teaching;
- physical education and sports;
- music, art and culture;
- philosophy, logic and sociology;
- technical sciences, architecture and economics;
- pedagogy, psychology, defectology



VOLUME #2

ISSUE #1

2021/V

www.scientificprogress.uz



SCIENTIFIC PROGRESS

Scientific Journal

VOLUME #2, ISSUE #1, MAY 2021

ISSN: 2181-1601



UZBEKISTAN

БУХОРО АМИРЛИКДА ОИЛА, НИКОҲ ВА МЕРОС ҲУҚУҚИНИНГ АМАЛДА ҚЎЛЛАНИШИ

Фаррух Темиров

Бахтишод Умаров

Бухоро давлат университети

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Бухоро амирлигида оила муносабатлари соҳасида шариат нормаларини ўзгартиришлар билан қўллаш ҳоллари ҳолатлари, Ислом қонуншуносларининг фикрича, никоҳ насл-насаб, эътиқодда, касбда, ахлоқда ва муомалада тенг бўлган шахслар ўртасида тузилиши каби масалалар илмий жиҳатдан таҳлил этилган

Калит сўзлар: Ислом, Никоҳ, шартнома, насл-насаб, эътиқод, маҳр, динор, танга, ҳуқуқ, суд, раис, кози, муфтий, солиқ, вақф.

APPLICATION OF FAMILY, MARRIAGE AND INHERITANCE RIGHTS IN BUKHARA EMIRATE

Farrukh Temirov

Bakhtishod Umarov

Bukhara State University

ABSTRACT

This article scientifically analyzes the application of Sharia law in the field of family relations in the Emirate of Bukhara with changes, the formation of marriage between people of equal lineage, faith, profession, morals and treatment, according to Islamic jurists.

Keywords: Islam, Marriage, contract, lineage, faith, dowry, dinar, coin, law, court, chairman, judge, mufti, tax, foundation.

КИРИШ

Бухоро амирлигида оила муносабатлари соҳасида шариат нормаларини ўзгартиришлар билан қўллаш ҳоллари кўпроқ учрайди. Агар никоҳ тузувчи томон бир қатор ўзига хос жиҳатларга эга бўлса, никоҳ тузишнинг ҳуқуқий шакли тўлиқ шариат нормалари билан тартибга солинган. Масалан, амирлик ҳудудида яшовчи туркман ҳалқларида уйланиш ва турмушга чиқариш одат ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинсада, никоҳ тузиш шариат асосида амалга оширилган.

“Никоҳ шариат бўйича фуқаролик-ҳуқуқий битим саналиб, никоҳни тузишда шартнома тузишнинг умумий шаклига амал қилинган ҳамда тарафларнинг розилиги икки гувоҳ иштирокида маълум қилинади. Никоҳни

тузишда никоҳ маросимини ўтказишга амал қилмасганлик никоҳни ноқонуний деб эътироф этмаган. Шундай қилиб, никоҳ тузишда ҳеч қандай ёзма далолатнома юритиш ва диний маросимларни ўтказиш талаб этилмаган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Ислом қонуншуносларининг фикрича, никоҳ насл-насаб, эътиқодда, касбда, ахлоқда ва муомалада тенг бўлган шахслар ўртасида тузилиши керак. Бироқ ушбу тенглик шартни табақаланиш фарқланишида инобатга олинмайди. Эркин эркак киши чўри аёлга уйланиши мумкин бўлган. Амирликда фақатгина қон бўйича яқин бўлган шахслар, қуда томондан қариндош бўлган ёки эмиқдошлар билан тузиладиган никоҳларга рухсат этилмаган.

Бухоро амирлигида никоҳга кириш асосан маҳр ва қалинни тўлаш билан боғлиқ бўлган. Умуман олганда ислом ҳуқуқи бўйича фақатгина маҳр тўлови тан олинган. Маҳр – бу никоҳ совғаси бўлиб, тўй куни қайлиқ томонидан келинга берилиши лозим бўлган совға тури. Хотин киши маҳрни пул шаклида ёки нархи 10 тангадан кам бўлмаган миқдордаги мулкни талаб қилишга ҳақли бўлган. Маҳрнинг ўлчами томонлар розилиги билан ҳам белгиланиши мумкин бўлиб, никоҳ тузилиши жараёнида маълум қилинган. “Маҳр аёл кишининг шахсий мулки ҳисобланган”. Қиз ўзининг маҳри билан, одатда ашё кўринишидаги шахсий мулки билан эрининг уйига ташриф буюрган. Маҳр унинг шахсий мулки бўлганлиги учун уни ажралиш пайтида ўзи билан олиб кетиш ҳуқуқига эга бўлган. Бухоро амирлиги ҳудудида яшовчи ўзбеклар ва бошқа халқларда маҳрдан ташқари шариат бўйича тартибга солинадиган, никоҳга киришнинг кўшимча шарт сифатида тан олинган мажбурий тўловтури қалин пули мавжуд эди[1]. Қалин куёв томонидан келинга тўланмасдан, балки унинг отаонасига берилган. Қалин пули келиннинг ота-онасига уни тарбия қилиш, боқиш ва бошқа харажатларни қоплаш учун тўланадиган тўлов тури сифатида қабул қилинган. Қалин пулининг миқдори ўтроқ халқларга нисбатан кўчманчи халқларда кўп бўлган.

Амирлик шаҳарларида қалин пули пул тариқасида берилган бўлса, қишлоқ жойларида қалин пули чорва ва буғдой ёки бошқа бир мулк шаклида тўланган. Қалин пули қоида бўйича никоҳ тузилиши пайтида тўланган. Бироқ вояга етмаганлар ўртасида тузиладиган никоҳ шартномалари бўйича ва моддий аҳволдан келиб чиқиб қалин пулини бир-икки йилга узайтириб тўлаш мумкин бўлган. Бундай тартибдаги қалин пули одат ҳуқуқига асосан қисмларга бўлиб, ҳар йили рамазон байрами (рўза ҳайити) арафасида тўланган. Никоҳга киришда маҳр ва қалин пулини тўлашдан ташқари никоҳ шартномасига асосан қозига никоҳ битимини амалга оширганлиги учун муайян ҳақ тўлаш лозим бўлган. Масалан, нақд маҳр ўн дирхамни ташкил қилган бўлса, “қозига никоҳ битимини тузганлиги учун ўн диноҳ ва ўн танга миқдоридаги буғдой берилган”[2]. Бухоро амирлигида

никоҳдан ажралишнинг сабаби, айби ва бошқа сабабларига қараб, маҳр ва қалин масаласи ҳал этилган. Агар никоҳдан ажралиш ўринли асосларсиз эрнинг хоҳиши билан амалга оширилса, эр хотинига маҳрни қайтариб беришга мажбур бўлган. Ундан ташқари эр хотинидан қалин пулини қайтариб олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган. Маҳр никоҳ совғаси бўлганлиги учун ҳам келажакда ажралиш мобайнида хотинни таъминлаш вазифасини бажарган[3].

Агар никоҳдан ажралиш хотиннинг айби билан бўлса, маҳрга бўлган ҳуқуқдан маҳрум бўлган ва эрига унинг учун тўланган қалинни қайтариб бериш мажбуриятини олган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бухоро амирлигида ислом ҳуқуқи асосида тартибга солинган мерос ҳуқуқининг асосий хусусияти шунда эдики, мерос маълум бир тартиб-қоидалар асосида навбат билан меросхўрлар томонидан тарқатиб бериш шаклида амалга оширилган.

Шахснинг вафотидан сўнг қоладиган мерос миқдори, яъни унинг ўлиmidан олдинги барча мол-мулклари навбат билан қуйидаги беш асосий меросга талабгорлар ўртасида тақсимланган. Чунончи,

- 1) кредиторлар (қарз берган шахслар) бўлиб, улар вафот этган шахснинг қолган мол-мулкига нисбатан гаров ҳуқуқини сақлаб қолганлар;
- 2) жамоа қоидасига асосан дафн этишга кетадиган харажатлар;
- 3) гаров ҳуқуқига эга бўлмаган кредиторлар;
- 4) 4) улушли-меросхўрлар; 5) бошқа меросхўрлар.

Шундай қилиб қолган мол-мулкдан биринчи навбатда марҳумнинг қарзлари адо этилиб, сўнг бошқа мол-мулклар меросхўрлар ўртасида тақсимланган.

Шариат бўйича меросхўрлар шартли равишда икки категорияга бўлинган: асосий ва қўшимча. Асосий меросхўрлар бўлиб қонуний равишда ўз улушига эга бўлган меросхўрлар ҳисобланган (улушли меросхўрлар). Қўшимча меросхўрлар эркак жинсига мансуб бўлган эрнинг қариндошлари ҳисобланган.

Асосий меросхўрлар категориясига 12 та шахслар кирган: тўрт эркак жинсига мансуб ва саккизта аёл жинсига мансуб шахслар. Уларнинг бари тегишли улушга эгалик қилган. Шариат бўйича олтита меросий улуш мавжуд бўлган. Агар хотин фарзандларни қолдирмаган бўлса ва неваралари бўлмаса, эр мероснинг ярмига эга бўлган; акс ҳолатда эса эр мероснинг тўртдан бир қисмига эгалик қилган. Агар хотиннинг фарзандлари ва неваралари бўлмаса, мероснинг тўртдан бир қисмини; аксинча эса мерос қолдирилган мулкнинг саккиздан бир қисмига эгалик қилган. Агар бошқа меросхўрлар бўлмаса, она мероснинг учдан бир қисмига, агар меросхўрлар мавжуд бўлса – фақатгина қолган мероснинг учдан бир қисмигагина эгалик қилиши мумкин бўлган.

Кўп хотинлик ҳолатида мерос ўзаро бирлик асосида қонуний улуш бўйича тақсимланган. Улушли меросхўрлар – меросга эгалик қилишда устун ҳуқуқларга эга бўлган меросхўрлардир. Улушли меросхўрлар ўз манфаатларини қондирганларидан сўнг қўшимча меросхўрлар ўзларининг мерос ҳуқуқларидан фойдаланишга киришганлар. Ушбу меросхўрлар асосан марҳум билан қандайдир қондош уруғ авлодидан бўлган шахслар ҳисобланган. Қўшимча меросхўрлар тўрт туркумга бўлинган. Ҳар бир туркумдаги меросхўр мулкни кейингисидан буткул тугаллаши лозим эди.

Бухоро амирлигида ислом ҳуқуқининг қўлланилиши масаласида васиятнинг аҳамияти каттадир. Ислом ҳуқуқида юридик жиҳатдан васият бўйича мероснинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларига эгалик қиладиган васийни тайинлаш қондаси аниқ белгиланмаган эди. Амирликда васийлик “васийлик раддияси” шаклида амалга оширилган. Мерос қолдирувчи васийлик топшириғи асосида ўз мулкнинг бир қисмини аниқ бир шахс манфаати учун рад этиши мумкин эди. Бундай кўринишдаги васийлик раддияси ҳада шартномаси билан умумий характерга эга бўлган[4]. Мулкни қабул қилувчи шахс рад этилган мулкка нисбатан барча ҳуқуқларга мулк эгасининг вафотидан кейин эга бўлган. Ушбу кўриниши билан ҳам васийлик ҳадядан фарқ қилган.

Васият қилувчи ўз ўлиmidан олдин мулкнинг учдан бир қисмини васийлик раддияси асосида мерос тариқасида қолдириши мумкин бўлган. Агар васият қилиб қолдириладиган мулкнинг миқдори умумий мулкнинг учдан бир қисmidан кўп бўлса, васият ҳақиқий эмас деб топилган. Агар барча меросхўрлар мулкнинг учдан бир қисmidан ортиқчасини васият асосида қолдирилишига қарши бўлмасалар васият ҳақиқий деб топилган. Меросхўрларнинг бундай кўринишдаги розилиги васият қилувчининг ўлиmidан сўнг амалга оширилиши лозим бўлган, акс ҳолда мулк қайтарилиб олинган.

Мерос қолдирувчининг васийлик ҳуқуқларини чекловчи меросхўрлари бўлмаса, меросхўр барча мол-мулкни васият асосида ўзга шахсга қолдириши мумкин бўлган. Васият раддияси фақатгина қонуний бўлмаган меросхўрнинг манфаатига хизмат қилган. Агар қолган меросхўрларнинг розилиги бўлмаса, васийлик раддияси ҳақиқий эмас деб топилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қуйидаги ҳолларда меросга эга бўлиш ҳуқуқи юзага келмаган: 1) бевафолик (куфр); 2) ғайридинлар (кофирлар) – улар мусулмонларнинг мулкига нисбатан мерос олиш ҳуқуқига эга бўлмаган ва мусулмонлар уларга ўз мулкларини мерос қилиб қолдирмаганлар; 3) меросхўрни ҳатто эҳтиётсизлик оқибатида ҳаётидан маҳрум этганда; 4) никоҳдан ажралишда; 5) қуллик ҳолатида.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида, Бухоро амирлигида бошқа ўзбек хонликлари каби мерос тизими шариат асосида ўрнатилган ҳамда икки асосий ижтимоий жиҳатга боғлиқ бўлган деб эътироф этиш мумкин: биринчидан, жамиятда уруғдошлик сарқитларининг сақланиб қолганлиги, иккинчидан, феодал асосга эга бўлган савдо муносабатларининг ривожланганлиги.

Бухоро амирлигида шариат асосида амалда бўлган жиноят ҳуқуқи масалаларини қиёсий таҳлил этганда, унинг бошқа ҳуқуқ соҳаларидан амалда деярли кам равишда қўлланилганлигининг гувоҳи бўламиз. Ислон қонунчилиги амалда қозилик ва беклик судларида қўллаш учун фақатгина умумий тамойилларга асосланган шартларда жиноят ҳуқуқининг назарий масалаларини ишлаб чиққан эди.

Бухоро амирлигида жазо чораларининг ва жиноят турларининг лозим даражада ишлаб чиқилмаганлиги шариатнинг жиноят ва унга яраша жазо тайинлаш таълимотига мос келмас эди. Ушбу ҳолатни бир қатор сабаблар билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, жиноий қатағонлик соҳасида сиёсий душманларнинг хуружлари ўткир қурол сифатида муҳим аҳамият касб этган, иккинчидан, ҳокимият учун курашиш кўпроқ жой ва вақт ҳолатини ўзгартирадиган ҳуқуқ нормаларига мослашишни талаб қилган. Ушбу масаланинг ўзи жиноят ҳуқуқини бошқа ҳуқуқ соҳаларидан фарқлашда омил бўлиб хизмат қилади.

Бухоро амирлигида жиноят-ҳуқуқий соҳасини бошқариш асосан ҳокимият вакиллари томонидан амалга оширилганлиги, ўз навбатида, ушбу ҳуқуқ соҳасининг бошқа ҳуқуқ соҳаларидан таъсирчан доирада амалга оширилганлигидан далолат беради. “Амирлик ҳудудида яшовчи халқлар орасида ҳам қон олиш сарқитлари, уни сотиб олиш орқали алиштириш масалалари ва ахлоқ тузатиш жазолари тизими ҳамда талион тамойили асосида ўч олиш тизими қолдиқлари сақланиб қолган эди”[5]. Бироқ амалиётда шариат бўйича ушбу тизимларнинг ўзаро муносабати хилма-хил тарзда амалга оширилган.

Амирликда амалда бўлган жиноят ҳуқуқида ақли расолик масаласи ҳам ишлаб чиқилган. Ақли норасолик оқибатида содир этилган айрим бир жиноятлар учун зарар қопланган ва жиноий жазодан озод этилган.

Жиноятнинг иштирокчилари сифатида маълум бир жиноятни содир этишда шахсан иштирок этган, шахсни жиноятга бошлаган, уни қўллаб-қувватлаган ҳамда рағбатлантирган шахслар тан олинган. Жиноят содир этилганидан сўнг жиноят изини яширишда иштирок этган шахслар иштирокчи сифатида тан олинмаган. Ундан ташқари, талон-тарож этилган мол-мулкни ўзи билмаган ҳолатда яширган шахслар ҳам ўғрилик жиноятини содир этганликда иштирокчи деб тан олинмаган[6].

Жиноят ҳуқуқи бўйича икки ҳолат, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ва истисно ҳолатлар мавжуд бўлган. Жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларга мастлик ҳолати кириб, кишини маст ҳолатига келтирувчи ичимликларни истеъмол қилишнинг ўзи жиноят ҳисобланган. Жавобгарликни истисно этувчи ҳолатларга қуйидаги ҳолатлар кирган: шахс ва мулкни ҳимоя этишда зарурий мудофаа; ўзга шахс ҳаётини ва мулкни ҳимоялаш; ҳокимият идораларининг буйруғи; ўзининг қонуний ҳуқуқларини амалга ошириш ҳолатида бўлиш кабилар.

REFERENCES

1. Ильясов Ф.Н. Сколько стоит невеста // Социологические исследования. – Москва. 1991. - № 6. – С.68.
2. Дониш Ахмад. История мангитской династии. / Пер. с тадж. И.А.Наджафова. – Душанбе: Дониш, 1967. – С 28
3. Юшков С.В. История государства и права СССР. Ч 1. – М.: Наука, 1940. – С.134.
4. Рахманов А., Рахманов А. Исламское право. Учебник для вузов. – Ташкент: “Янги аср авлоди”, 2003. – С.301-302.
5. Муқимов З.Ю. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. – Тошкент: Адолат, 2004. – Б.232-233.
6. Юшков С.В. История государства и права СССР. Ч. I. – М.: Наука, 1940. – С.137.
7. Boltayev, Bobir Baxtiyorovich. "BUXOROLIK MINIATURACHI-RASSOM SADRIDDIN ROHCHAYEV IJODIGA BIR NAZAR." *Scientific progress* 1.6 (2021): 998-1004.
8. Rajabov, Oybek Iskandarovich. "BUXORODAGI AYRIM MUQADDAS QADAMJO-QAL'ALAR XUSUSIDA." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1162-1168.
9. Умаров, Б. Б. "НА КИСЛЯКОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЖАНУБИЙ ТОЖИКИСТОН ЭТНИК ТАРИХИ." *Scientific progress* 1.6 (2021): 1005-1009.
10. Тўраева, Г. Б., Ўтаева, Ф. Х., & Жумаева, Н. А. (2021). ОА СУХАРЕВА ТАДҚИҚОТЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИ ВА ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ. *Scientific progress*, 1(6), 1010-1018.
11. Bakhthiyorovich, Boltaev Bobir. "Excerpts from the life of the bukharian artist." *Middle European Scientific Bulletin* 12 (2021): 160-165.
12. Ochilov, A. T. "DATING OF THE ZAMANBABA CULTURE: ASSED ON ARCHAEOLOGICAL SOURCES." *Theoretical & Applied Science* 12 (2019): 589-591.
13. Mubinov, M. A. "Diplomacy of the eastern states and central asian khanates in the struggle for independence." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 26-31.

14. Maksud, Beshimov. "Markets of Bukhara." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 18-21.
15. Зарипов, Жахонгир Гулмуродович. "ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ПЕРЕСЕЛЕНИЯ НАСЕЛЕНИЯ (НА ПРИМЕРЕ БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ УЗБЕКСКОЙ ССР)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 351-357.
16. Sharopov, Dilshod Ravshan O'G'Li. "ABDURAZZOQ SAMARQANDIYNING "MATLAI SA'DAYN VA MAJMAI VAHRAYN" ASARINING O'RGANILISH TARIXI." *Scientific progress* 2.1 (2021): 358-361.
17. Очиллов, Алишер Тўлис Ўғли. "БУХОРО ВОҲАСИ ШАКЛЛАНИШИДА ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ ЎРНИ ВА ВОҲА ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР." *Scientific progress* 1.6 (2021): 933-938 Murodova, Dilrabo Shomurodovna, and Feruza Holmamatovna O'tayeva. "TF Gelax tadqiqotlarida Buxoro shahri mudofaa tizimining organilishi." *The Fifth International Conference on History and Political Sciences*. 2015.
18. Turaevich, Halimov Talat. "From the history of economic relations between central asia and india (XV-XVII centuries)." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.5 (2021): 22-25.
19. OCHILOV, Alisher. "JEWELRYC TRADITION IS A SOURCE OF STUDY OF BUKHARA HISTORY." *Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi* 1.1: 105-116.
20. Бобожонова, Феруза Хаятовна. "БУХОРО МАДРАСАЛАРИ МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ." *Scientific progress* 2.1 (2021): 362-366.
21. Муродова, Дилрабо Шомуродовна. "ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРОДА ИЛМ ВА ФАН (БУХОРО ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ МИСОЛИДА)." *Scientific progress* 2.1 (2021): 660-664.
22. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY* 2.4 (2021): 42-47.
23. JAMOLOVA, DILNOZA MUYIDDINOVNA. "THE END OF THE EMIRATE OF BUKHARA: THE END OF THE POLITICAL STRUGGLE BETWEEN THE JADIDS AND THE ULEMA." *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences* 1.1 (2021).
24. Jamolova, D. M. "Traveling to Modernity: Perception of Modernity of the Central Asian Muslims in the early 20th century." *International Journal of Psychosocial Rehabilitation* 9.24 (2020): 4202-4207.

Фаррух Темиров, Бахтишод Умаров Бухоро амирликда оила, никоҳ ва мерос ҳуқуқининг амалда қўлланиши (pp. 1201-1207) http://scientificprogress.uz/storage/app/media/2-1.%20202.%201201-1207.pdf
Jo'rabek Roziqovich Qazoqov, Olim Rustamovich Abduraxmonov Ishlab chiqarishda foydalaniladigan asinxron dvigatellarni tezligini boshqarish (pp. 1208-1211) http://scientificprogress.uz/storage/app/media/2-1.%202023.%201208-1211.pdf
Р. Б. Жолдасбаев, О. Г. Хайитов, А. А. Умирзоков, Н. Бекманов Анализ инновационных отечественных и зарубежных технологий борьбы с коррозией в нефтегазовом отрасли (pp. 1212-1219) http://scientificprogress.uz/storage/app/media/2-1.%202024.%201212-1219.pdf
Абдувоҳоб Мадаминов Сиёсий технологиялар ва Ўзбекистон сиёсий ҳаётини эркинлаштириш (pp. 1220-1225) http://scientificprogress.uz/storage/app/media/2-1.%202025.%201220-1225.pdf
Ziarkhan Satniyazovna Toreniyazova, Gulbakhar Kobeyzinovna Otegenova Informatization of foreign language education of students in universities for professional activities (pp. 1226-1231) http://scientificprogress.uz/storage/app/media/2-1.%202026.%201226-1231.pdf
Махлиёхон Сафаралиевна Ибрагимова Умар Хайёмнинг “Наврўзнома” асарида майнинг шифобахшлиги ҳақида (pp. 1232-1238) http://scientificprogress.uz/storage/app/media/2-1.%202027.%201232-1238.pdf
Sarvarbek Anvarbekivich Ismoilov Axloqning ma'naviyat tizimidagi birlashtiruvchilik ahamiyati (pp. 1239-1240) http://scientificprogress.uz/storage/app/media/2-1.%202028.%201239-1240.pdf
Sarvarbek Anvarbekivich Ismoilov Development of legislation on pawnshops (pp. 1241-1244) http://scientificprogress.uz/storage/app/media/2-1.%202029.%201241-1244.pdf
Qzilgul Turdimetovna Karbayeva Maktab adabiy ta'limida insho yozdirish, uni tekshirish va baholashning ilmiy-metodik asoslari (pp. 1245-1253) http://scientificprogress.uz/storage/app/media/2-1.%202010.%201245-1253.pdf
Jamolxon Hasanxonovich Abdumalikov Auminzo-amantoy foydali qazilma konlarida geografik axborot tizim (GIS)lardan foydalanish (pp. 1254-1260) http://scientificprogress.uz/storage/app/media/2-1.%2020211.%201254-1260.pdf
А. Б. Шеров, Х. А. Худайкулов Деятельность коммерческого банка на мировых финансовых рынках (pp. 1261-1265) http://scientificprogress.uz/storage/app/media/2-1.%2020212.%201261-1265.pdf